

АЛИДЖАНОВА Лазизахон Аббасовна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Динишунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиш UNESCO кафедраси ўқитувчиси

“САҲИХ АЛ-БУХОРИЙ” ДАГИ ТАБОБАТГА ДОИР ҲАДИСЛАР ШАРҲИНИНГ ҚИЁСIIЙ ТАҲЛИЛИ

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ КОММЕНТАРИЯ ХАДИСОВ О МЕДИЦИНЕ В «САИХ АЛЬ- БУХАРИ»

COMPARATIVE ANALYSIS OF HADITH COMMENTARIES REGARDING MEDICINE IN “SAHIH AL-BUKHARI”

Аннотация: “Саҳиҳ ал-Бухорий” номи билан машҳур “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” Пайғамбар (с.а.в.) нинг энг ишончли ҳадислари тўплами ҳисобланади. Ушбу тўплам 194-256/810-870 йилда яшаб ўтган буюк муҳаддис Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий томонларидан йиғилган. “Саҳиҳ ал-Бухорий”да ҳадислар нафақат фикҳ масалалари бўйича, балки илоҳиёт, адаб ва тиб масалалари бўйича ҳам алоҳида китоб ҳолатида берилган.

Калим сўзлар: Саҳиҳ ал-Бухорий, Китоб ат-Тибб, тиббиёт, ҳадис, Асқалоний, Бадруддин Айний, Табарий, тибб ан-набавий.

Аннотация: «Аль-Джаме ас-Саҳиҳ», известный как «Саҳиҳ аль-Бухари», является наиболее достоверным сборником хадисов Пророка (с.а.в.). Этот сборник был собран великим муҳаддисом Муҳаммадом ибн Исмоилом аль-Бухари, жившим в 194-256/810-870 годах. В «Саҳиҳ аль-Бухари» хадисы приводятся отдельной книгой не только по вопросам фикха, но и по вопросам богословия, этики и медицины.

Ключевые слова: Саҳиҳ аль-Бухари, Китаб ат-Тибб, медицина, хадис, Асқалани, Бадр ад-дин Аини, Табарий, тибб ан-набави.

Annotation: “Al-Jame as-Sahih”, better known as “Sahih al-Bukhari”, is the most authentic collection of hadith of the Prophet (p.b.u.h). This collection was compiled by the great muhaddith Muhammad ibn Ismail al-Bukhari, who lived in 194-256/810-870. In Sahih

al-Bukhari, hadiths are given in the form of a separate book not only on fiqh, but also on issues of theology, etiquette and medicine.

Keywords: Sahih al-Bukhari, Kitab at-Tibb, medicine, hadith, Asqalani, Badr ad-din Aini, Tabari, tibb an-nabawi.

КИРИШ

Имом Бухорий ўн олти йил давомида Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларини тўплаб, 4000 дан зиёд (такрорлари билан 7275 та) саҳиҳ ҳадисни бир ерга жамлаган муҳаддисдир. Бугунга қадар кўплам олимлар томонидан “Саҳиҳ ал-Бухорий”га бир қанча шарҳлар ёзилган бўлиб, улар орасида Шамсуддин ал-Кирмонийнинг (717-786/1318-1385) “ал-Кавокиб ад-дурорий фи Шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий”, Бадруддин Айнийнинг (762-855/1361-1452) “Умдат ал-Қорий фи Шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий”, Ибн Ҳажар Асқалонийнинг (773-852/1372-1449) “Фатҳ ал-Борий би-Шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий” ва ал-Қасталонийнинг (851-923/1148-1518) “Иршод ас-Сорий ли-шарҳ Саҳиҳи Бухорий” номли шарҳларини санаб ўтиш лозим.

АСОСИЙ ҚИСМ

Имом Бухорийнинг ҳадис жамлашдаги талаблари барча мусулмон муҳаддислари томонидан тан олинган. Имом Бухорий ҳар бир ҳадисни олишда унинг қанчалик Қуръони каримга мослиги, шунингдек, ҳадиснинг этиб келишдаги ровийлар занжирига алоҳида эътибор қаратган. Унинг ишларини алоҳида тадқиқ этган олимлар нафақат унинг илоҳиёт, динга тааллуқли бўлган ҳадисларга, балки саломатлик, табобатга оид ҳадисларга ҳам алоҳида эътибор қаратганини таъкидлайдилар.

“Саҳиҳ ал-Бухорий”да ўрин олган “Китоб ат-тибб” Имом Бухорийнинг исломдаги, хусусан Пайғамбар (с.а.в.) табобатларида бўлган қарашларини очиқ беради. Ушбу тиббиётга оид қарашлар айниқса, Ибн Ҳажар Асқалонийнинг “Фатҳ ал-Борий би-шарҳ Саҳиҳи ал-Бухорий” шарҳларида батафсил баён этилган. Имом Бухорий ва Ибн Ҳажар Асқалоний иккалалари ҳам табобат ривожланаётган ва тиббиётнинг аҳамияти ҳақидаги асарлар кўплаб ёзилаётган даврда яшаб, ижод этганлар.

Айнан шу сабабли, бу каби олимлар “ат-тибб ан-набавий”ни бошқа тиббиёт фанлари каби кенг қамровли эканини таъкидлайдиларки, зеро “ат-тибб ан-набавий” нафақат шунчаки ҳадисларда ворид бўлган, балки амалиётда ҳам қўлланилган. Шунингдек у тиббиёт соҳалари ва бошқа табиий фанларга оид билимларни ўзида қамраб олган. Бу каби масалаларни ҳал этишда, маълум ҳолатнинг сабабларини билиш, унинг ечимларини ўрганиш, шунингдек, Пайғамбар (с.а.в.) ҳадисларига, тиббиётга, шу билан бирга қадимги ва замонавий тиббий тадқиқотлар билан узвийлигини таққослаш зарур [2].

Жумладан, айнан ўша даврда мусулмон оламида тиббиётда кескин ўсиш кузатилади. Ибн Ҳажар Асқалоний ва Ибн Аҳмад Бадруддин Айний ҳам ушбу соҳанинг ривожланишини Пайғамбар (с.а.в.) билимлари ва қобилиятлари билан боғлайдилар. Бироқ, улар аввалда бобнинг номланиши, “ат-тибб” сўзининг луғавий ва истилоҳий маъноларини, қўлланиш ўринларини алоҳида кўриб чиққанлар. Бунга сабаб қилиб, Имом Бухорий “Саҳиҳ Бухорий”даги бобни “Китоб ат-тибб ан-набавий” (Набий тиббиёти китоби) эмас, балки “Китоб ат-тибб” (тиббиёт китоби) деб келтирганини кўрсатадилар.

Шу ўринда улар “ат-тибб” сўзини лингвистик ва тиббиёт нуқтаи назаридан кўриб чиқадиладар. Масалан, Ибн Ҳажар Асқалоний араб тилидаги “тибб” сўзи нарсалар ҳақида мукамал билимга эга бўлиш ва буни қўллай олиш, деб ҳисоблайди. Даволаш ва тузатиш кўникмасига эга бўлган одам табибдир, деб айтади [3]. Шу билан бирга, бу сўзнинг тўғрилаш, тиклаш, тузатиб чиқиш, яхшилаш, шунингдек, эзгулик, тажриба, эҳтиёткорлик, қобилият, топқирлик, маҳорат, донишмандлик, одат, мунтазам тажриба, тушуниш, заковат, комиллик, фаросатлилик, самарадорлик, музокара олиб бориш қобилиятига эгалик, устунликка эга бўлиш кўникмалари, меҳроқибат, кўнгилчанлик каби маъноларини ҳам санаб ўтади. Бундан тушуниш мумкинки, Бадруддин Айнининг фикрича, тиббиёт бу – саломат ҳолатда ёки касаллик даврида инсон тана ҳолатини билишдир (Аҳвол бадан ал-инсон). Унинг мақсади соғлиқни сақлаш ва зарур тақдирда саломатлигини тиклаш учун керакли чораларни кўришдир (ат-тибб ҳува илм юъраф биҳи аҳвол бадан ал-инсон мин жиҳат ма

ясиҳху ва язул ани-с-сиҳхат ли-тахфиз ас-сиҳах ҳосилуҳу ва тастаридду розилуҳу) [4].

Юқорида қайд этилганидек, йўқотилган соғлиқни тиклаш ислом тиббиётининг иккинчи мақсади ҳисобланади, биринчиси эса, касалликнинг олдини олишдир. Ислом анъанавий тиббиётида соғлиқни тиклаш бир қатор даволаш усуллари билан амалга оширилади. Хусусан, асал истеъмол қилиш, иссиқлик, ҳаммом қабул қилиш ва бошқалар бунга мисол бўлади. Кейинчалик мусулмонлар бошқа халқлардан, хусусан, юнон тиббиётидан дори-дармонлар, яллиғланишга қарши даволаниш, жарроҳлик амалиёти тажрибаларини эгалладилар. Ислом тиббиёти содда ва мураккаб дориларни ўта аниқлик билан ажратиб беради. Шу сабабли шифокорлар имкон қадар таъсири тананинг заилашувига олиб келувчи мураккаб дори воситалари билан даволашдан воз кечишни тавсия этадилар.

Ушбу ажойиб назария, ҳақиқатда касалликни даволашдан кўра уни олдини олишга имкон яратди. Чунки, дорилар қанчалик мукаммаллашгани сари, унинг бошқа аъзоларга таъсир доираси ҳам кенгайиб бормокда. Мусулмон олимларнинг таъкидлашича, озиқ-овқатларининг асосий қисми оддий бўлган аҳоли қатлами жуда ҳам кам касалликка чалинар экан ва албатта уларни даволаш ҳам оддий дорилар билан амалга оширилади. Лекин, турли ва мураккаб маҳсулотлардан ташкил топган овқатларни тановул қилишга кўникиб қолган, асосан шаҳарда итиқомат қилувчи аҳолини даволаш учун эса, айнан таомлари сингари бир қатор мураккаб тузилишдаги дорилар мажмуаси лозим бўлади [1].

Ибн Ҳажар Асқалоний Саҳиҳ Бухорийнинг “Китоб ат-тибб”ига шарҳ ёзар экан, тиббиёт фанини иккига бўлади, яъни “тибб ал-жасад” (“жисмоний тиббиёт”) ва “тибб ал-қалб” (“маънавий тиббиёт”). Ибн Ҳажар Асқалоний тиббиётнинг қиймати ва фойдасини юқори баҳолайди, шу билан бирга ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган “тибб ал-жасад” ва “тибб ал-қалб”ни юқори ўринга олиб чиқади [5]. Тиббиётнинг ушбу икки тури ўртасида шундай симбиотик боғлиқлик борки, тиббиёт тараққиётини буларнинг бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу шундан далолат берадики, мусулмонлар ҳам жисмонан, ҳам руҳан

соғлом бўлишлари шарт, чунки исломда рух ва жисм, қалб ва юрак, имон ва хотиржамлик деярли бир хил тушунчаларни англатади. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ибн Ҳажар Асқалоний тибб бобида шундай фикрга келади, инсон ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом экан, саломатлигини асрай олиши ва қайта тиклай олиши мумкин экан бу дунё ва келажақда бахтга эришиши аниқдир [5].

Бадруддин Айнийнинг “Умдат ал-Қорий фи шарҳ Саҳиҳ Бухорий” асарини кўриб чиқишда, унинг тиббиётга бўлган қарашларининг ўзгача эканлигини англаш мумкин. Шуниси қизиқки, ушбу соҳага шарҳ ёзаркан, сўзнинг аввалида тиббиётга ўта аниқ таъриф берган ҳамда тиббиётни икки: назарий (ал-илм) ва амалий (ал-амал) қисмларга бўлади. Биринчиси, унинг сўзларига кўра, инсон тафаккуридаги ушбу фан тўғрисидаги ҳақиқий билимдир, унинг воситасида инсон бошқаради ва амалиётда қўллайди, кейингиси эса, субъектнинг инсон онгидан ташқи қисми бўлиб, бу орқали инсон тўғридан-тўғри ҳиссиётлари ёки қўли билан (жарроҳлик) амалиётларни қўллай олади [6].

Бадруддин Айний назарий тиббиётни ҳам уч қисмга бўлиб туриб, табиб унинг иккинчи қисми, яъни ал-амал (амалий фан) ни ўзида эгаллаган бўлиши шарт, деб айтади. Бунинг ўзини яна иккига бўлади: профилактик тиббиёт (хифз ас-сихҳа) ва даволовчи тиббиёт (илм ал-илал). Профилактик тиббиёт юқорида айтилганидек, мусулмон олимлари томонидан тавсия этилади. Инсоннинг ўз саломатлигини касалликлардан ҳимоя қилиши – танани доимо назоратда тутиши, руҳий ва жисмоний тетик бўлиши бўлса, даволовчи тиббиёт касалланган жисмни қайта тиклаш чораларини кўриш учун хизмат қилади.

Имом Бухорий “Тибб китоби”да инсон соғлиғига таъсир этувчи ёки саломатликни асровчи омиллар бўйича қўплаб ҳадисларни келтиради. Жумладан, Имом Бухорий Расулulloҳ (с.а.в.)нинг суюқликка пашша тушиб қолса, унинг олдини олиш чоралари ҳақида қизиқарли мисоллар келтирган. Пайғамбар (с.а.в.) айтганларидек, пашша заҳар ва антидот олиб юради. Имом Бухорий “Саҳиҳи Бухорий”нинг “Китоб ат-тибб” асарининг охири бобида Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг фақат битта ривоятини

ўз ичига олган “Боб изо вақаа-з-зубоб фи-л-ино” китобида Пайғамбар (с.а.в.) айтдилар: “Агар сизлардан бирингизнинг идишига пашша тушиб қолса, уни (идишнинг ичига) тўлик ботириб, кейин ташлаб юборсин, чунки унинг бир қанотида касаллик, иккинчисида шифо бор”.

Ибн Ҳажар Асқалоний келтирган Абу Таййиб Табарийга кўра, ҳадисда поклик (ат-тахора) ва нопоклик (ан-нажоса) масалаларига урғу берилмаган. Балки суюқлик идишига пашша тушиши натижасида касалликдан қандай қутулиш мумкинлиги (баён ат-тадовий мин дарар аз-зубоб)га урғу берилади [7]. Ҳадис пашшанинг тиббий жиҳати ҳақида маълумот беради, бу эса саломатликни сақлаш учун зарур воситалар ва диний асосларни билдиради. Пайғамбар (с.а.в.) агар пашша, овқат ёки ичимлик идишига тушиб қолса, уни идишга тўлик ботириб қўйишни тайинлаб, уммат соғлиғини асрашга ундаган. Бунинг сабаби шундаки, пашша суюқ озиқ-овқатга тегса, суюқликни унинг патогенлари билан юқтиради, шу сабабли патогенларни мувозанатлаштирадиган антидот ҳисоблагичини чиқариш учун пашшанинг иккинчи қанотини ҳам идишга ботириш лозим [7].

Ибн Ҳажар Асқалоний ўзининг “Фатҳ ал-Борий” асарида пашша ўз танасининг баъзи қисмларида баъзи патогенларни, шу жумладан бу патоген организмлар учун антидотни олиб юришини эслатиб ўтади.

Пашша идишга тушганда Анас (р.а.) анху қўллари билан ишора қилиб, уч марта сувга чўмдирди, сўнг: “Бисмиллаҳ”ни ўқиди ва “Ҳақиқатан ҳам, бу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилган иши”, дедилар” [3]. Ибн Ҳажар Асқалоний воқеани тилга олгандан сўнг дарҳол шундай дейди: “Мен антидотни олиб юрувчи қанотни аниқлаш вариантлари орасида ҳеч нарса топмадим, лекин уламолардан бири пашша ўзини инстинктив тарзда ҳимоя қилишини кузатганини айтди. Табиийки, чап қанот ўнг қанот томонидан ҳимояланган. Бошқача қилиб айтганда, бир томони заҳар, иккинчиси эса антидот [8]. Ибн Ҳажар Асқалоний ҳам “фа инна фи ихдо жаноҳайҳи (қанотларидан бири учун)” иборасининг бошқа талқинини муҳокама қилади. У Аллоҳ таолонинг “ва икковларига меҳрибонлик ила

хокисорлик қанотингни пастлат” (Исро сураси: 24-оят) деган сўзлари каби мавҳум маънога эга. Бу шуни англатадики, заҳар деганда одамнинг қалбида пайдо бўладиган такаббурлик, бу таомни истеъмол қилишдан менсимаслик ёки ундан бутунлай халос бўлиш ҳамда ундан воз кечиш, антидот эса руҳни бостириш ва уни тавозега мажбурлаш орқали ўрин эгаллаши мумкин [3].

Пашшалар келтириб чиқарадиган касалликлар, яъни безгак, тиф, вабо, кўз касалликлари ва бошқалар Пайғамбар (с.а.в.) замонида кўп учраган, пашшалар овқатни ифлослаган ва ухлаётган болаларнинг қовоқларига ўтириб, кўз касалликларини тарқатган. Пайғамбар (с.а.в.) ўз умматларига агар улардан бирортасининг идишига пашша тушиб қолса, улар бутун пашшани идишга ботириб, кейин улоқтиришлари керак деб эслатганлар. Бу уларни пашша туфайли юзага келиши мумкин бўлган касалликдан ҳимоя қилиш эди.

Шунингдек, ҳадисдан пашшанинг поклиги, сув ва суюқлик устида ҳам пашша ўлик бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам билиб олиш мумкин. Мусулмон фақиҳларнинг иттифоқи шундан иборатки, пашша покиза (аз-зубоб ат-тоҳир), миқдори оз бўлса ҳам суюқликни бузмайди ва ундаги пашша ўлса ҳам, суюқлик ҳиди, ранги, таъми ўзгармаган бўлса, суюқликни бузмайди [9]. Бошқа томондан, Пайғамбарнинг “ташланг” амрига асосланиб, Шофеий мазҳаби фақиҳи суюқлик ҳаром бўлади, деган хулосага келган бўлса, Абу Ҳанифа уни ҳаром эмас (аннаҳо ло танжас) деган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юқоридаги тадқиқотлар бугунги кунда ҳам “Китоб ат-тибб”нинг қай даражада аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради. Биринчи навбатда Пайғамбар (с.а.в.) замонларида мусулмонларнинг яшаш шароитлари, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш усуллари ҳақида маълумот беради. Шуни таъкидлаш жоизки, “ат-тибб ан-набавий”нинг асосий қисмини даволаш тиббиёти эмас, балки касалликнинг олдини олувчи профилактик тиббиёт эгаллайди. Унинг профилактик тиббиёт усули ўз даврининг илмий билимларга

асосланган тиббиёт тараққиёти ҳисобланган.

Тўпламнинг ушбу китобида Пайғамбар (с.а.в.)нинг нафақат касаллик ва шифо тўғрисида, балки ҳаттоки мусулмон киши бемор билан қандай муносабатда бўлиши кераклиги тўғрисидаги ҳадислар ҳам ўрин олган. Бугунги замонавий медицина тан олаётган касалликларни даволаш усули асосан касалликнинг сабабларига асосланиб хулоса бериш, Пағамбар (с.а.в.) ҳадисларида аллақчон келтириб ўтилган. Шуни таъкидлаш лозимки, “ат-тибб ан-набавий”ни тиллар атамашунослиги, атроф-муҳит ва доривор ўсимликларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб тўлиқ эмпирик тадқиқотларсиз қўллаб бўлмайди, чунки баъзи ўринларда ҳижратнинг аввалги йилларида бу воситаларнинг белгилаш шартлари бугунги шароит билан бир хил бўлмаслиги мумкин.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Бадру-д-дин Айний. Умдат ал-қорий шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий. 25 жилдди. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий. – Б. 229.
2. Ибн ал-Қаййим. ат-Тибб ан-Набавий. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1985. 146 с.
3. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Фатҳ ал-Борий фи Шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий. 13 жилдди. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1989. – Б. 165; 307; 308.
4. Ал-Балхий. Масолиҳ ал-абдон ва ал-анфус. – Қоҳира: Маъҳад ал-Махтутот ал-арабия, 2005. – Б. 270-273.
5. Китоб ал-имон. Китоб ал-Риқоқ // Имом ал-Бухорий. Ал-Жоми ас-саҳиҳ. – ар-Риёд: Дор ас-салом, 2020. – 1096 б.
6. Ибн Ҳинду. Мифтоҳ ат-тибб ва минҳож ат-туллоб. – Техрон: Техрон Университети, 1989. – Б. 25-29.
7. Possibilities for use of bacteriophages in disease control are discussed in the article “Smaller fleas... ad infinitum: therapeutic bacteriophage redux” in Proceedings of the National Academy of Sciences of the United States of America [PNAS] Vol. 93 No. 8 (April 16, 1996), 3167-3168.
8. Malik Badri. The Aids Crisis: an Islamic Socio-Cultural Perspective (KL: ISTAC, 1998), 224.
9. Ал-Қасталоний. Иршод ас-Сорий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2019. – Б. 304-305.